

XVI. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда қуйидаги манбалардан фойдаланилади: Давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган яққа тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танлама кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларининг аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотларидан.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадлари 173,0 трлн. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 111,4% реал ўсиш суръатига эришилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатлари


(2017 йилнинг мос даврига нисбатан, %)



Аҳолининг умумий даромадлари нафақат ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан олган даромадлари, балки мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар (фоизлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақи, бошқа мулкӣ даромадлар), трансфертлардан олинган даромадлар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа жорий трансфертлар) дан иборат.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг 71,4 % ни бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса, 28,6% трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.


2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби



2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятдан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 65,0 %) шаклланди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,1 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 4,3 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 28,6 % ташкил қилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига ҳудудлар бўйича
аҳоли умумий даромадлари таркиби
(жами аҳоли умумий даромадларига нисбатан, %)**



■ мехнат фаолиятдан олинган даромадлар

■ шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлар

■ трансфертлардан даромадлар


Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида мехнат фаолиятдан олинган даромадларнинг (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юкори улуши Навоий вилоятида (80,5 %) кузатилди. Фарғона ва вилоятлари, Бухоро, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида эса ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасда, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши 18,9 % ни ташкил этган.

Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Хоразм ва Самарқанд вилоятларида аҳоли умумий даромадларига нисбатан 36 % дан юқорини ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, 16,5 % ни ташкил этди.

Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг асосий манбаи - бу мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, ушбу даромадлар улушига кўра аҳоли умумий даромадларига сезиларли таъсир кўрсатади ва уларнинг улуши 34,2% ни ташкил этмоқда. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,37 % га ўсишига олиб келди.

Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсишининг аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири, %




Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилиги ялпи даромадларнинг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шунингдек, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати худуднинг аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатини учдан бир қисмини таъминлаб берди.

Масалан, Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши 46,0 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 127,9 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи Жиззах вилояти аҳоли умумий даромадларининг 13,0 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Сурхондарё вилоятида 43,5 % улуш ва 127,6 % ўсиш суръати, аҳоли умумий даромадларининг 12,9 % га ўсишини таъминлаб берди.

Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши, %




Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Тошкент (11,6 %), Самарқанд (10,7 %), Андижон (9,5 %), Фарғона (8,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Сирдарё вилояти (2,7 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,5 %) ҳамда Жиззах (4,1 %) вилояти ҳисобланади.

Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг кейинги асосий манбаи ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳисобланади. 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари 30,8 % ташкил қилди.

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати 122,2 % ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг 7,4 % га ўсишини таъминлади.

Ҳудудларда ёлланма ишчиларнинг даромадлари турлича бўлиб, 21,8% дан (Самарқанд вилоятида) 43,6% гача (Тошкент шаҳрида) ўзгариб туради. Ёлланма ишчилар даромадларининг учдан бир қисми (34,4%) Тошкент шаҳри (23,6%) ва Тошкент вилояти (10,8%) ҳиссасига тўғри келади.

Ҳудудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, %




Ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига қараб сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5469-сон Фармониға мувофиқ, 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баравар оширилди.

Масалан, Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 43,6 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 125,3 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи шаҳар аҳолиси умумий даромадларининг 11,5 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадлари ўсишининг аҳоли умумий даромадлари номинал ўсишига таъсири, %




Худди шундай Навоий вилоятида 43,2 % улуш ва 119,4 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 8,7 % га ўсишини таъминлаб берди. Қорақалпоғистон Республикасида эса, 35,7 % улуш ва 124,4 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 9,4 % га ва Тошкент вилоятида 35,5 % улуш ва 126,7 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 9,3 % га ўсишини таъминлаб берди.

Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири **мол-мулкдан олинган даромадлар** бўлиб, 2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига ушбу даромад манбаининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,1% пунктга ошди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкый даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 62,8% ни ташкил қилади. Кейинги ўринларда дивидендлар – 25,6%, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва муаллифлик ҳақи – 11,6% ни ташкил қилди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркиби, %



Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг атиги 1,4% ўсиш суръатини таъминлади.

2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига мол-мулкдан олинган даромадлар, %

	Жамига нисбатан улуши	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати
Ўзбекистон Республикаси	100,0	134,2
Қорақалпоғистон Республикаси	1,1	125,4
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	1,6	118,2
Бухоро	2,5	114,4
Жиззах	0,7	114,1
Қашқадарё	2,1	127,3
Навоий	1,1	115,0
Наманган	3,3	141,8
Самарқанд	4,2	128,2
Сурхондарё	1,4	122,6
Сирдарё	0,7	126,4
Тошкент	6,4	124,9
Фарғона	3,5	125,3
Хоразм	2,4	106,1
Тошкент ш.	69,0	139,7

Республика аҳолисининг мол-мулкдан олинган даромадларида ҳудудлар улуши турлича. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар умумий ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига (69,0 %) тўғри келган бўлса, бошқа ҳудудларнинг улуши анча паст кўрсаткични қайд этди.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида **трансфертлардан олинган даромадлар** ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотларига кўра трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 162,9% ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши 5,5 % пунктга ошди ва 28,6 % ни ташкил этди. Бунга ижтимоий трансфертлар ва республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларини ўз ичига олган бошқа жорий трансфертлар ҳажмининг ошганлиги сабаб бўлди.

Ижтимоий трансфертлар таркиби, %




Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати 121,6 % ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида 83,6% улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди.

2017 йил мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 120,5% ни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 12,2 % (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 127,0%), стипендияларнинг улуши эса 4,3 % (ўсиш суръати 128,7%) ни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 2,5% га ўсиш имконини берди.

Ижтимоий трансфертларнинг турлари бўйича ўсиш суръатлари, %




2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига ҳудудлар бўйича жами ижтимоий нафақаларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари Қашқадарё вилояти (133,1%), Қорақалпоғистон Республикаси (132,6%), Жиззах (132,5%), Самарқанд (130, 5%), Наманган вилоятларига (129,0 %), тўғри келди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 2,3 трлн.сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган. Шундан 51,8 % бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилладиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 48,2 % республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги №ПФ-5553 сонли Фармониға мувофиқ, 2018 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилиб, республика бўйича ойлик энг кам иш ҳақи - 202 730 сўм; ёшга доир пенсиялар - 396 500 сўм; болаликдан ногиронларга берилладиган нафақа - 396 500 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга берилладиган нафақа - 243 300 сўм миқдорида белгиланди.

2018 йил январь-сентябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида ижтимоий нафақаларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўсиш суръати
(2017 йилнинг мос даврига нисбатан, %)



2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари бўйича бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати 205,8 % ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 % пунктга ошди. Ушбу даромадларнинг бундай сезиларли ўзгариши аҳоли умумий даромадлари номинал қийматининг 12,0 % га ўсишини таъминлаб берди.

Ҳудудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши, %




Жорий даврда айрим ҳудудларда аҳоли умумий даромадлари таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг улуши сезиларли даражада юқори бўлиб, Хоразм (30,2 %), Самарқанд (24,8 %), Андижон (24,4 %) вилоятларида энг юқори улушни ташкил этди. Шунингдек, Бухоро (22,6 %), Наманган (21,9 %), Сурхондарё (21,0 %), Фарғона (19,1%) ва Қашқадарё (18,2 %), вилоятларида ҳам республика даражасидан юқори улушни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириши бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармонида мувофиқ валюта курсининг либераллаштирилиши натижасида 2018 йил январь-сентябрь ҳолатига 1 АҚШ доллари ўртача 8004,4 сўмни ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар 5,3 млн. сўми ташкил этди (реал ўсиши-9,5%). Шунингдек, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳри (11,7 млн. сўм), Навоий (8,0 млн. сўм), Бухоро (6,2 млн. сўм), Тошкент (5,7 млн. сўм) ва Хоразм (5,3 млн. сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари ҳажми ва реал ўсиш суръатлари




Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш кўрсаткичи Хоразм вилоятига (14,1%) тўғри келди. Шунингдек, Сурхондарё (13,6%), Бухоро (11,7%) ва Самарқанд (11,7%), Наманган (11,0%) Қашқадарё (10,4%) ва Андижон (10,1%) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (10,7%) аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юқорини ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида аҳолининг реал умумий даромадлари

	<i>Жами, млрд. сўм</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан %</i>	<i>Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	146356,1	111,4	4 452,5	109,5
Қорақалпоғистон Республикаси	6261,0	112,3	3 381,2	110,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	12282,5	112,0	4 052,2	110,1
Бухоро	9878,4	113,4	5 252,8	111,7
Жиззах	4525,7	110,6	3 390,3	108,6
Қашқадарё	11699,5	112,6	3 688,6	110,4
Навоий	6570,7	106,7	6 816,8	105,0
Наманган	8850,8	113,0	3 255,5	111,0
Самарқанд	14382,8	113,9	3 836,5	111,7
Сурхондарё	9481,8	116,0	3 741,4	113,6
Сирдарё	3308,3	110,9	4 030,1	109,1
Тошкент	13865,4	106,6	4 823,3	105,3
Фарғона	12791,2	109,4	3 511,3	107,7
Хоразм	8062,7	116,0	4 442,0	114,1
Тошкент ш.	24364,2	109,7	9 818,7	107,8

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши 55,9% ни ташкил этди.

Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши, %




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5409-сон Фармониға мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (62,7%), Сурхондарё (60,8%), Сирдарё (59,1%), Самарқанд (59,0%), Бухоро (59,0%), Хоразм вилоятларида (57,7%) сезиларли улушни эгаллади.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар 156,2 трлн. сўмни (реал ўсиш суръати – 110,2%), аҳоли жон бошига ихтиёридаги даромад эса 4751,3 минг сўмни (реал ўсиш суръати – 108,3%) ташкил этди.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлари,
минг сўмда**



Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (9192,8 минг сўм) ҳамда Навоий (7204,4 минг сўм), Бухоро (5693,6 минг сўм), Тошкент (5153,1 минг сўм) ва Хоразм вилоятларида (4995,9 минг сўм) ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди. Энг паст кўрсаткичлар эса Наманган вилояти (3531,1 минг сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (3662,7) ҳамда Жиззах вилоятида (3686,3 минг сўм) кузатилди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига
ихтиёридаги умумий даромадлари ва реал ўсиш суръатлари**

	<i>Аҳоли жон бошига, минг сўмда</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	4 751,3	108,3
Қорақалпоғистон Республикаси	3 662,7	109,8
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	4 538,5	109,8
Бухоро	5 693,6	111,2
Жиззах	3 686,3	107,9
Қашқадарё	4 091,5	110,6
Навоий	7 204,4	103,9
Наманган	3 531,1	109,5
Самарқанд	4 168,2	111,1
Сурхондарё	4 181,4	113,6
Сирдарё	4 437,8	108,6
Тошкент	5 153,1	104,4
Фарғона	3 823,6	107,2
Хоразм	4 995,9	114,1
Тошкент ш.	9 192,8	102,8

2018 йилнинг январь-июнь ойлари учун аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларининг реал ўсиш суръатлари Россия Федерациясида – 102,6 % ни, Беларусь Республикасида – 107,6 % ни ташкил этган.

Аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Хоразм вилоятида (114,1%) қайд этилди. Шунингдек, Сурхондарё (113,6%), Бухоро (111,2%), Самарқанд (111,1%), Қашқадарё вилоятлари (110,6%), Қорақалпоғистон Республикаси (109,8%), Андижон (109,8%), Наманган (109,5%) ва Сирдарё вилоятларида (108,6%) аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.